

# Кутубхонанинг электрон каталоги

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази хизматидан фойдаланувчи 23 минг нафардан зиёд китобхон учун яна бир қулайлик юзага келди.*

Бу ерда нодир адабиётлар ва қўлёзмаларнинг электрон каталоги яратилди.

— 250 минг нусхадан кўпроқ китоб фондига эгамиз, — дейди мазкур марказ раҳбари М. Самадова. — Биз ана шу адабиётларнинг етмиш фоизини электрон ката-

логга киритдик. Бу ахборот олувчига қулайлик туғдиради, унинг вақтини тежайди. Гап шундаки, китобхон эндиликда интернет орқали сайтимизга кириб, мавжуд адабиётлар ҳақида зарур маълумотни олиш имконига эга. Кейин эса марказимизга келиб

ўзига керакли китоб ёки қўлёзма билан батафсил танишиб чиқиши мумкин. 2015 йилгача барча адабиётлар рўйхатини электрон каталогга жойлаштириш мўлжалланган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**